

sire ram was used, the ratio of lambs with very silky hair was 43.2%, normally silky 49.2%, with strong and normal hair shine - 44.9 and 49.6%. The data obtained show that there is a strong positive correlation between silkiness and shine of the hair of Karakul lambs.

References

1 Ombaev A.M., Parzhanov Zh.A., Mustiyar T.A. Productive qualities of Karakul sheep with different selection options // Scientific journal Research, results. - Almaty. -2019. - №4. – С. 75-81.

2 Parzhanov Zh.A., Eskara M.A., Karynbaev A.K. The quality of the offspring of Karakul sheep of various colors and colors depending on the selection options // Modern aspects of the development of agriculture in the southwestern region of Kazakhstan. - Shymkent. – 2018. – С. 126-129.

3 E. Baibekov, Eskara M.A., Parzhanov Zh.A. Creation of a herd of gray Karakul sheep of silver color with intense pigmentation // Arid forage production is the basis for the development of transhumance in desert and semi-desert zones of Kazakhstan. – Shymkent. – 2014. – С. 296-297.

4 Alibaev N.N., Baibekov E., Parzhanov Zh.A., Eskara M.A. Breeding a new factory type of Karakul sheep of gray and blue color in the south of Kazakhstan // Science News Kazakhstan. -2014. - №2. –С. 12-23.

5. Azhimetov N.N, Parzhanov Z.A, Azhibekov B.A, Mustiyar T.A, Baibekov E. (2020) Selection method of karakul sheep of gray color by viability. EurasiaJBiosci 14: 343-345.

ТУРЛИ ЖУФТЛАШ ВАРИАНТЛАРИДАН ОЛИНГАН АВЛОДЛАРНИНГ СИНФЛИК ТАҚСИМЛАНИШИ

Акбарова М.В.

Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада турли турли йирикликдаги қоракўл қўйларини жуфтлаш хусусиятлари ҳамда авлодларининг синфлилик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олинган натижалар ёритилган.

Калит сўзлар: қоракўл қўйлари, қўзилари, гавда йириклиги, авлодлар синфи.

Кириш. Қоракўлчиликда қўйларнинг ўсиш ва ривожланиш даражалари уларни урчитиш ва селекциялаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Гавдаси йирик бўлган қўйлардан йирик жуссали қўзилар туғилиши маълум тадқиқотларда аниқланган, лекин унинг чегаралари унчалик маълум эмас.

Охирги йилларда соҳада хўжалик юритиш шакллари ва бозор талабининг ишлаб чиқарилаётган махсулотга нисбатан ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш талаблари, қоракўлчиликда ҳайвонларни селекциялашни такомиллаштириш асосида янги самарали усулларини яратишни тоқазо этмоқда. Ҳозирги кунда турли хил экологик шароитга яхши

мослашган, гавдаси йирик, териси йирик, сифатли қорақўл тери берадиган қўйлар сурувларини яратиш талаб этилади.

Қорақўлчиликда қўзиларнинг катта-кичиклиги жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки қўзиларнинг турли хил тирик вазни турли-туман сифатдаги қорақўл териларини шакллантиради.

А.Газиёв (2009) маълумотларига кўра майда гулли тирик вазни кичик бўлган совлиқлардан туғилганда тирик вазни кичик қўзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик қўзилар олинади.

Қорақўл қўзиларининг туғилган вақтдаги тирик вазни уларнинг кейинги ривожланиши, яшовчанлиги ва ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлигининг муҳим омилдир. Бундан ташқари қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнига қорақўл терининг сатҳи ва ўлчамлари ҳам боғлиқ бўлади.

Қорақўл қўзилар вазнининг ўзгарувчанлиги ва бошқа товар хусусиятлари билан боғлиқлиги ўрганилганда янги туғилган қўзиларнинг тирик вазнига буғоз совлиқларни сақлаш, озиклантириш шароити ва насл хусусиятларининг таъсир қилиши тасдиқланган. Янги туғилган қўзиларнинг ички органларни тана ва калла ривожига нафақат қўйларнинг ирсияти балким уларнинг катта-кичиклиги, ранг, урчитиш ҳудудлари ҳам таъсир кўрсатилиши аниқланган.

Турли жуфтлашда (М.А.Назарова 2020) сур рангли қўйлар авлоддининг гул типлари бўйича тақсимланиши ясси типли қўчқорлардан фойдаланиб қўйларни урчитиш ишларини олиб бориш авлодларда ушбу типга мансуб қўзилар салмоғини кўпайтиради. Бундай авлодлар чиқими “ ясси×ясси” жуфтлаш вариантыда энг юқори бўлиб (54,2±4,49%), қолган вариантларда мутаносиб равишда 43,4±4,56 ва 39,6±5,23% ни ташкил этади. Ярим доира қаламгул ва қовурғасимон типли қўзилар чиқими жуфтлашда қайси типли қўйларнинг иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда ўзгаради. Ярим доира қаламгул типли қўйлар қатнашганда ярим доира қаламгул типли (27,9±4,13) қовурғасимон типли қўйлар қатнашганда шу типли (34,5±5,10) қўзилар салмоғининг маълум даражада кўпайиши кузатилган. Ясси ва ўсик гул типли қўйлар қатнашганда 46,0±4,0% га етган. Ясси типли қўчқорлардан фойдаланиш асосида урчитиш барча ҳолатларда шу типли авлодлар чиқимининг статистик ишончли ($p < 0,05; 0,001$) равишда юқори бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот мақсади. Турли йирикликдаги сур қорақўл қўйларини жуфтлаш ҳамда авлодларининг синфлилик кўрсаткичларини ўрганиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот манбаи ва усуллари. Тадқиқотлар Навоий вилояти Конимех тумани “Янгиказган нурли диёр” МЧЖ да урчитилувчи тоза зотли сур рангли қорақўл қўйларида олиб борилди. Тажрибадаги қўйлар гавдасининг йириклигига қараб майда (35,0 кг дан паст), ўрта (35,0-43,0 кг) ва катта (43,0 кг дан юқори) гуруҳларга бўлиниб, улардан олинган авлодлар тирик вазни бўйича майда (3,5 кг гача), ўрта (3,5-4,5 кг) ва катта (4,5 кг дан юқори) гуруҳларга ажратилди. Тажрибадаги қўйлар “Катта х Катта”, “Катта х Ўрта”, “Катта х Майда”, “Ўрта х Ўрта”, “Ўрта х, Майда” гуруҳларга ажратилиб,

жуфтлаш вариантларидан авлодлар синфи ўрганилди. Олинган маълумотларга вариацион статистика усулларида қайта ишлов берилди (Плохинский Н.А., 1969).

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотлар давомида турли йирикликдаги сур қоракўл қўйларини жуфтлаш натижасида олинган авлодларнинг синфларга тақсимланиши ўрганилди. Бу йўналишда олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Турли жуфтлаш вариантларидан олинган авлодларнинг синфларга тақсимланиши

Жуфтлаш варианты		n	Авлодлар синфи			
♂	♀		Элита	I	II	Яроқсиз
Катта	Катта	85	17,6±4,13	54,2±5,40	23,5±4,59	4,7±2,29
Катта	Ўрта	107	15,9±3,53	60,8±4,61	19,6±4,40	3,7±1,90
Катта	Майда	78	18,0±4,23	60,2±5,51	16,7±4,1	5,1±2,50
Ўрта	Ўрта	112	25,0±4,09	58,9±4,60	14,3±3,30	1,8±1,57
Ўрта	Майда	81	23,4±4,70	54,3±5,53	19,8±4,42	2,5±1,73

Жадвал маълумотларидан аниқланишича, “Катта х Катта” жуфтлаш вариантыдан олинган авлодларнинг 17,6 фоизи мақсадга мувофиқ элита синфига мансуб бўлган, I синф қўзилар салмоғи эса 54,2 фоизни ташкил этиб, II синфга мансуб авлодлар оралик ўринни эгаллаган (23,5 %) ҳамда 4,7 фоиз яроқсиз авлодлар олинган. “Катта х Ўрта” жуфтлаш вариантыда I-синфли қўзилар салмоғининг бироз ортиши (60,8±4,61%) ҳамда мақсадга мувофиқ бўлмаган яроқсиз типининг камайиши (3,7±1,90%) кузатилган. “Катта х Майда” жуфтлаш вариантыдаги авлодларда ушбу кўрсаткичнинг бироз фарқланиши кузатилган, Яъни мақсадга мувофиқ бўлмаган яроқсиз типили қўзилар салмоғи бироз кўпайган (5,1±2,50%). Элита синфли авлодлар “Ўрта х Ўрта” жуфтлаш вариантыда энг юқори салмоққа (25,0±4,09) эга бўлиб, “Катта х Катта” жуфтлаш вариантыдаги ушбу кўрсаткичдан 7,4 фоизга устунлик қилган. Ушбу кўрсаткичлар “Ўрта х майда” жуфтлаш вариантыда 23,4 фоиз элита, 54,3 фоиз I синф, 19,8 фоиз II синф ҳамда 2,5 фоизи яроқсиз кўрсаткичларига эга бўлган.

Хулоса. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қўйлар ва қўзилар гавдасининг йириклигини ҳисобга олиш муҳим селекцион аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай ҳолатни гуруҳлар орасидаги кўрсаткичлар бўйича фарқлар ҳамда ўрта йирикликдаги хайвонлар кўрсаткичларининг маълум даражада юқори бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Газиёв А. Турли этологик шароитда қоракўл қўйлари селекцион белгиларининг ўзгарувчанлиги. Сб.науч. работ УЗНИИКЭП Самарканд, 2009 г 58-68 бет

2. Назарова М.А. “Турли жуфтлашда сур рангли қўйлар авлолдининг гул типлари бўйича тақсимланиши” Чорвачилик ва наслчилик иши. Ж. Тошкент. 2020 №5. 26 бет

3. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. Москва. «Колос», 1969, с, 10-14; 54-113.

4. Юсупов С.Ю., Газиев А., Бобоқулов Н.А., Юлдашов Н., Фазилов У.Т., Ҳакимов Ў.Н. ва бошқалар. Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва қўзиларни баҳолаш (бонитировка қилиш) бўйича қўлланма. Тошкент.: 2015. 31 б.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И БИОХИМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ КРОВИ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ В РАЦИОНЕ ЦЫПЛЯТ-БРОЙЛЕРОВ КЛЕТОЧНОГО СОКА ОСИНЫ

Военбендер Л.А.

ФГБОУ ВПО «Красноярский государственный аграрный университет»

Введение. В птицеводстве успешно применяют различные биологически активные добавки на основе растительного сырья (органические), премиксы обогащенные нетрадиционными минеральными веществами, адсорбентами, которые улучшают поедаемость и усвояемость кормов, тем самым увеличивают прирост массы тела, снижают заболеваемость и отход птицы [4].

Поиск новых нетрадиционных источников, питательных и биологически активных веществ – одно из важнейших направлений в научных исследованиях по кормлению птицы [8].

Использование отходов лесоперерабатывающей промышленности в качестве источников биологических веществ, для кормления птицы, является темой актуальной. Кроме того, при рубках образуется много неиспользуемых отходов (сучья, кора, листья, ветки, хвоя), которые являются полноценным органическим сырьем с богатым набором биологически активных веществ.

Основные показатели, характеризующие физиологическое состояние животных в целом, это морфобиохимические показатели крови. Которые показывают о правильном наборе ингредиентов и конечный результат - получение качественной продукции [2, 4].

Цель работы - изучить морфобиохимические показатели крови цыплят-бройлеров при использовании клеточного сока осины (КСО) в качестве биологически активной добавки.

Материал и методика исследований. Изучение влияния клеточного сока осины проводилось в два этапа. Первый этап эксперимента был проведен с целью определения безвредности и количества введения в рацион клеточного сока осины на лабораторных мышах в условиях лаборатории Красноярского государственного аграрного университета на кафедре «Зоотехнии и технологии переработки продуктов животноводства».